НННННННН - рақам.

Рақам ўнг томонга қараб текисланади ва 8 та символгача бўш жойлар билан тўлдирилади.

Мисол – Ҳужжатда келтирилган: ВА-2345-1973

Ёзув: 1973ВАϕϕϕϕ2345.

Ø23 Ø С* УСТУВОРЛИК МАМЛАКАТИ**3**

Ихтиро учун патент (муаллифлик гувоҳномаси)ни олиш биринчи марта устувор талабнома берилган мамлакат.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ГОСТ 7.67 га мувофиқ рақамли код билан ёзилади.

Мисол – Тавсиф объекти – Япония устуворлигига эга АҚШ патент-аналоги. Ҳужжатда [33] JP.

Ёзув: 348

Ø23 Ø E* УСТУВОРЛИК САНАСИ**8**

Ихтиро учун патент (муаллифлик гувоҳномаси)ни олиш учун устувор талабномани тақдим этиш йили, оyi ва санаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи куйидаги форматда ёзилади:
ГГГГММДД,

бу ерда: ГГГГ - йил;

ММ - ой;

ДД – ой куни.

Мисол – Ҳужжатда берилган: 23.12.1999

Ёзув: 19991223

Агар қайсидир позициянинг аҳамияти аниқланмаган бўлса, у ҳолда унда «?» символи ёзилади.

**Ø23 1 А* ИХТИРО УСТУВОР ТАЛАБНОМАСИНИНГ
РАҚАМИ – ФОРМАЛ ЭМАС 2Ø**

Биринчи марта берилган талабноманинг рўйхат рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда келтирилган: ВА-2345-1973

Ёзув: ВА-2345-1973

**Ø25 Ø А + ИХТИРО ТАЛАБНОМАСИНИНГ РЎЙХАТ
РАҚАМИ – ФОРМАЛ 15**

Талабнома берилаётганда патент идораси томонидан унга берилган рақам.

Ёзиш усули ва мисол «Устувор талабноманинг рақами – формал» маълумотлар элементида келтирилган (Ø23 ØА).

**Ø25 Ø С + ИХТИРО УЧУН ТАЛАБНОМА БЕРИЛГАН 3
МАМЛАКАТ**

Патент (муаллифлик ҳуқуқи) учун талабнома берилган йил, ой ва сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик мамлакати» маълумотлар элементида берилган (Ø23 Ø С).

**Ø25 Ø Е ИХТИРО УЧУН ТАЛАБНОМА БЕРИЛГАН 8
САНА**

Патент (муаллифлик гувоҳномаси) учун талабнома берилган йил, ой ва сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» маълумотлар элементида берилган (Ø23 Ø Е).

**Ø25 1 А + ИХТИРО ТАЛАБНОМАСИНИНГ РЎЙХАТ
РАҚАМИ – ФОРМАЛ ЭМАС 2Ø**

Патент ёки муаллифлик гувоҳномаси учун ихтиронинг биринчи берилган талабномаси рўйхат рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: 1,150.239

Ёзув: 1,150.239

Ø26 Ø А НҲ БЕЛГИЛАНИШИ 3Ø

НҲни идентификацияловчи символлар тўплами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: ГОСТ 7.79-2001.

Ёзув: ГОСТ 7.79-2001

Ø26 1 А* АЛМАШТИРИЛГАН НҲ БЕЛГИЛАНИШИ 3Ø

Тавсиф объекти билан алмаштирилган НХ белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжат – тавсиф объектида келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: ГОСТ 7.83-2001 ўрнига O‘z DSt 2310:2011.

Ёзув: O‘z DSt 2310:2011

Ø27 ç А ПАТЕНТ ҲУЖЖАТИНИНГ РАҚАМИ 20

Патент, муаллифлик гувоҳномаси, фойдали модель ва уларга талаб-номаларнинг рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисоллар

1 Ҳужжатда берилган: PAT 124.515

Ёзув: PAT 124.515

2 ИНПАДОК электрон ташувчида келтирилган: 1200500

Ёзув: 1200500

**Ø28 ç А ИТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИНГ БЕЛ- 23
ГИЛАНИШИ**

Ҳисоботнинг рақамли, ҳарфли ёки ҳарф-рақамли белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисоллар – Ҳужжатда берилган: ACLE 1394

Ёзув: ACLE 1394

**Ø28 ç М ИТИ ЁКИ ТКИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА 11
ОЛИНГАН РАҚАМИ**

ИТИ ёки ТКИ давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи органда рўйхатга олиш босқичида бериладиган мавзунинг давлат рўйхатида олинган рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: Давлат рўйхат рақами: У56235.

Ёзув: У56235

**Ø28 ç Р ҲИСОБОТ, ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ИНВЕН- 11
ТАРЬ РАҚАМИ**

Бутунроссия илмий-техник ахборот маркази (ВНИТЦ) томонидан бериладиган ҳисобот, диссертациянинг ҳарф-рақамли ёки рақамли белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи куйидаги структурадаги 11 та символли код билан ёзилади:

ННГГСXXXXXX,

бу ерда: НН – ВНИТЦ томонидан аниқланадиган ҳужжатнинг тури;

ГГ – йилнинг иккита охири рақамлари;

С – назорат разряди;

XXXXXX – йил бошидан бошлаб тартиб рақами.

Мисол - 1995 йилдаги ҳисоботга эга ахборот картаси 123400 рақамига эга.

Ёзув: 02854123400

029 Ҷ А МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИНГ ДАВЛАТ РЎЙХАТ РАҚАМИ

10

Маълумотлар базалари ва банкларининг давлат регистри («Информ-регистр» ИТМ) томонидан бериладиган МБнинг давлат рўйхат рақами.

Ёзиш усули. Элемент куйидаги структурадаги 10 та символли код билан ёзилади:

ННПГГXXXXX,

бу ерда: НН - «Информрегистр» ИТМ томонидан белгиланадиган, рўйхатга олинадиган МБ тури;

П - «Информрегистр» ИТМ томонидан белгиланадиган, рўйхатга олувчи ташкилот белгиси;

ГГ – йилнинг иккита охири рақами;

XXXXX – рўйхатга олиш тартиб рақами.

Мисол – 2012 йилда «Информрегистр» ИТМ томонидан рўйхатга олинган маълумотлар базаси, 2345 тартиб рақамига эга.

Ёзув: 0221202345

070 Ҷ А ПАТЕНТ-АНАЛОГ

21

Бошқа мамлакат томонидан айнан бир хил ихтиро учун берилган патент.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи қабул қилинган ёзиш қоидаларига мувофиқ 21 символли код билан ёзилади.

Мисол – АҚШ патенти берилган ихтиро учун, шунингдек Японияда ҳам патент олинган, бу ерда 50200-сон ақцептланган талабнома 2010 йил 27 январда эълон қилинган. Япониядаги бу талабнома АҚШ патентининг аналоги ҳисобланади.

Ёзув: JP01001270B400050200

072 Ҷ В ТАШҚИ ТИЗИМНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

2

ДИТАТ доирасида кейинчалик фойдаланиш мақсадида ёзув олинган ДИТАТга нисбатан ташқи бўлган тизим (хизмат)нинг белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи кодификаторга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

Мисол – Ёзув ИНИС тизимидан олинган.

Ёзув: 61

Изоҳ – Ёзув олинган ташқи маълумотлар базасининг номи «Ташқи маълумотлар базасининг белгиланиши» маълумотлар элементида келтирилади (004). Ташқи ахборот тизимининг маълумотлар базасидаги ёзувнинг рақами «Олинган ёзувнинг белгиланиши» маълумотлар элементида келтирилади (005).

072 Ҷ С ЁЗУВНИ ДИТАТ КИЧИК ТИЗИМИГА КИРИТИШ САНАСИ 8

Ёзувни ДИТАТ тегишли кичик тизими фондига киритиш йили, ойи ва санаси.

Ёзиш усули ва мисол «Ёзув тузилган сана» маълумотлар элементида келтирилган (100ҶС).

073 Ҷ А ТАРЖИМАНИ БАЖАРГАН ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН, ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН ТАРЖИМА РАҚАМИ 12

Таржимани бажарган ташкилот томонидан унга берилган таржима рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда таржимани бажарган ташкилот томонидан берилган E-12194 рақами келтирилган.

Ёзув: E-12194

074 Ҷ А ЁЗУВНИ ЯРАТГАН ТАШКИЛОТ 73

Ёзувни яратган ва унинг мазмуни учун жавобгар бўлган ташкилотнинг белгиланиши ёки номи.

Ёзиш усули. Ташкилотларнинг тўлиқ ёки қисқартирилган номи.

Мисол – Ёзув ВИНИТИда яратилган.

Ёзув: ВИНИТИ

100 Ҷ А ҲУЖЖАТНИНГ ТУРИ 3

Ҳужжатларни классификациялашдаги муайян ўзига хос бўлган белгилар (ҳужжатдаги ахборотнинг вазифаси, даврийлиги, характери) тўплами бўйича тоифаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи уч символли код билан ёзилади: иккита биринчи символлар В иловадаги В.1-жадвалга мувофиқ; учинчи символ – 2-жадвал бўйича.

Мисоллар

1 Серияли нашрда эълон қилинган мақолага ишлов берилмоқда.

Ўзув: 200

2 МБ тавсифига ишлов берилади.

Ўзув: E 04

100 ɸ В НАШР ҚИЛИНГАН ЖОЙИ (МАМЛАКАТИ) 3

Худудида хужжат нашр қилинган мамлакат.

Ўзиш усули ва мисол «Устуворлик мамлакати» маълумотлар элементида берилган (023 0 С).

100 ɸ С ЎЗУВ ТУЗИЛГАН САНА 8

Ташқи (ахборот тизимига нисбатан, унинг доирасида ўзув идентификатори берилади) ахборот тизими (хизмати)дан олинган ўзига хос ўзув ташкилот – ўзув яратувчиси томонидан яратилган ёки ўзгартирилган йил, ой ва сана.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи куйидаги кўринишда ёзилади:

ГГГГММДД,

бу ерда: ГГГГ – йил рақамлари;

ММ - ой;

ДД – ойнинг куни.

Мисол – Ўзув 1999 йил 16 ноябрда тузилган.

Ўзув: 19991116

Агар қайсидир позициянинг мазмуни аниқланмаган бўлса, у холда унда «?» символи ёзилади.

100 ɸ Е + ТАРҚАТИЛИШНИ ЧЕКЛАШ БЕЛГИСИ 2

Хужжатнинг тарқатилишини чеклаш даражасини акс эттирувчи ва ундан фойдаланиш мумкин бўлган ташкилотлар доирасини белгиловчи белги.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи икки символли код билан ёзилади. Коднинг биринчи позицияси 7-жадвалда, иккинчи позицияси – 8-жадвалда берилган

7-жадвал. Махфийлик грифининг кодлари

Код	Гриф
1	Грифсиз
2	Тижорат сири
3	Хизмат сири
4	Патент учун талабнома
5	Касб сири
6	Шахсий маълумотлар
7	Тергов сири

8-жадвал. Тарқатилишини чеклаш кодлари

Код	Тарқатилиши
A	Чеклашсиз
C	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилотларида
D	Битта тармоқ доирасида
E	Ташкилот ичида
F	Рўйхат бўйича

Мисол – Грифи бўлмаган ҳужжат рўйхат бўйича тарқатилади.

Ёзув: 1F

100 ɸ N ПАТЕНТЛАШ МАМЛАКАТИ 3

Талабномаларни рўйхатга олувчи ва кўриб чиқувчи, шунингдек патент ҳужжатларини берувчи ва эълон қилувчи мамлакат.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик мамлакати» маълумотлар элементида берилган (023 0 C).

101 ɸ A* ҲУЖЖАТ АСОСИЙ МАТНИНИНГ ТИЛИ 3

Сўзбоши, мундарижа, изоҳ ва ҳужжатнинг бошқа ёрдамчи қисмларидан фарқли равишда ҳужжатнинг бош мазмунини бевосита акс эттирувчи матннинг тили.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ГОСТ 7.75 га мувофиқ уч символли рақамли код билан ёзилади.

Мисол – Ҳужжатнинг асосий матни инглиз тилида берилган.

Ёзув: 045

101 ɸ D + ЁРДАМЧИ МАТН ТИЛИ

Ҳужжатнинг асосий матни (масалан, кўрсаткич, мундарижа)ни тўлдирувчи матн тили.

Ёзиш усули ва мисол «Ҳужжат асосий матннинг тили» маълумотлар элементида берилган (101 ɸ A).

Изоҳ – Агар ёрдамчи матн тили асосий матн тилидан фарқланса, маълумотлар элементи келтирилади. «Ҳужжатни ёрдамчи матн билан таъминлаш» маълумотлар элементи билан боғлиқлик ўрнатилиши керак (380 ɸ A).

101 ɸ E + РЕФЕРАТ (АННОТАЦИЯ) ТИЛИ 3

Реферат (аннотация) тузилган тил.

Ёзиш усули ва мисол «Ҳужжат асосий матннинг тили» маълумотлар элементида берилган (101 ɸ A).

Изоҳ - «Реферат (аннотация)» маълумотлар элементи билан боғлиқлик ўрнатилиши керак (660 ɸ A).

103 ɸ A ҲУЖЖАТНИНГ ФИЗИК ШАКЛИ 4

Ташкилот – ҳужжат сақловчиси фондида ҳужжатнинг мазмуни ёзилган ташувчининг тури, шунингдек ташувчи характеристикалари ва (ёки) унда ҳужжатнинг тақдим этилиши.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи ГОСТ 7.72 га мувофиқ тўрт символли код билан ўзилади.

Мисол – Хужжат микрофишада А6 формати билан берилган. Микрофишанинг физик шакли тўғрисидаги қўшимча маълумотлар мавжуд эмас.

Ўзув: 2110

105 Ҷ А СЕРИЯЛИ НАШРНИНГ ДАВРИЙЛИГИ

7

Маълум вақт оралиғида нашр қилинадиган серияли нашр алоҳида нашрларининг миқдори.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидаги кўринишда ўзилади:

Н/Г, агар серияли нашр вақтнинг белгиланган оралиқларида мунтазам чиқадиган бўлса, ёки Н/Г/Х, агар серияли нашр мунтазам чиқмаса, аммо маълум вақт оралиғида чиқадиган нашрлар сони ўзгармаган ҳолда,

бунда: Н – Г вақт оралиғи давомида чиқадиган номерлар (сонлар) миқдори;

Г – вақт оралиғи (йилларда);

Х – номунтазамлик белгиси.

Агар серияли нашр мунтазам чиқмайдиган бўлса ва маълум вақт оралиғида чиқадиган нашрлар сони ўзгариб турса, у ҳолда Х белгиси қўйилади.

Мисоллар

1 Нашр ҳар ойда чиқади.

Ўзув: 12/1

2 Нашр мунтазам чиқмайди, аммо ҳар йили бешта сони чиқарилади.

Ўзув: 5/1/Х

3 Нашр номаълум бўлган вақт оралиқларида чиқади ва нашрлар сони ўзгариб туради.

Ўзув: Х

105 Ҷ С СЕРИЯЛИ НАШР МАҚОМИ

1

Серияли нашрни чиқариш жараёнидаги асосий ўзгаришларни белгиловчи характеристика.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи 9-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ўзилади.

9-жадвал. Серияли нашр мақомининг кодлари

Код	Серияли нашр мақоми
0	Жорий
1	Тўхтатилган
2	Бошқа ном остида давом эттирилади
3	Ўзгаришсиз давом эттирилади

Мисол – Жорий наирга ишлов берилади.

Ёзув: Ø

106 § А МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯНГИЛАШ 1
ДАВРИ

МБдаги маълумотлар янгиланадиган вақт даври.

Ёзиш усули. Элемент 10-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ёзилади.

10-жадвал. Маълумотлар базасини янгилаш даврининг кодлари

Код	Давр
#	МБ эгаси томонидан тўлдирилмаган
Г	Йил
К	Чорак
М	Ой
Н	Ҳафта
Д	Кун
П	Доимий
0 (ноль)	Янгиланмайди

**112 1 А МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ЭГАСИ МУЛКИ-
НИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ 1**

Ёзиш усули. Элемент 11-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ёзилади.

11-жадвал. МБ эгаси мулкининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кодлари

Код	Ташкилий-ҳуқуқий шакл
#	Эгаси томонидан тўлдирилмаган
Г	Давлат муассасаси
И	Аралаш капиталга эга корхона
К	Тижорат структураси
О	Жамоат ташкилоти
Н	Бошқа нотижорат ташкилотлари
Ч	Хусусий корхона
Л	Эга – жисмоний шахс
Ф	Мулкнинг федерал шакли
Р	Мулкнинг ҳудудий шакли
М	Мулкнинг муниципал шакли

Мисол – Хужжатда берилган: МБ эгасининг фамилияси, исм-шарифи.

Ёзув: Л

170 § А ХУЖЖАТ ТАРЖИМАСИНИНГ МАҚОМИ 1

«Ташкилот – ҳужжат сақловчиси» маълумотлар элементида (905 § А) белгиланган ташкилотда ҳужжат билан бир қаторда унинг расмий таржимаси мавжуд бўлса, маълумотлар элементи қўлланилади.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи 12-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ёзилади.

12-жадвал. Ҳужжат таржимаси мақомининг кодлари

Код	Ҳужжат таржимасининг мақоми
Ø	Аутентик таржима
1	Расмий таржима
2	Ишчи таржима, мақоми белгиланмаган

Мисол - ВНИИКИ фондида ISO халқаро стандартининг аутентик таржимаси мавжуд.

Ёзув: Ø

170 § В ТАРЖИМА ТИЛИ 3

Ҳужжат таржима қилинган тил.

Ёзиш усули ва мисол «Ҳужжат асосий матнининг тили» маълумотлар элементида берилган (101 § А).

171 § А ИТИ ЁКИ ТКИ МУАММОСИ (ТОПШИРИҒИ) НИНГ ШИФРИ 10

ИТИ ёки ТКИ бажарилган муаммо (топширик)нинг шартли белгила-ниши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда берилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: 84-5-1.

Ёзув: 84-5-1

171 § В ТКИни ИШЛАБ ЧИҚИШ БОСҚИЧИ 2

Ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг маълум белгиланган ҳажмига нисбатан конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичи.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи 13-жадвалга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

13-жадвал. ТКИни ишлаб чиқиш босқичларининг кодлари

Код	ТКИни ишлаб чиқиш босқичлари
Ø9	Техник топшириқ
45	Техник таклиф
72	Эскиз лойиҳа
81	Техник лойиҳа
54	Синов намунасининг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш
63	Ўрнатиладиган серия ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш
9Ø	Саноат серияси ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Мисол – ТКИ техник топшириқ босқичида тавсифланади.

Ёзув: Ø9

172 Ҷ А ИШ ХАРАКТЕРИ**1**

Ишлов берилаётган ҳужжатда тавсифланган ишланманинг характерини белгиловчи белги.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи 14-жадвалга мувофиқ бир символли код кўринишида ёзилади.

14-жадвал. Иш характерининг кодлари

Код	Иш характери
Ø	ИТИ
1	Тажриба-конструкторлик ишланмаси
2	Тажриба-технологик ишланма

Мисол – Ҳужжатда берилган: ИТИ.

Ёзув: Ø

18ØҶ А МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИНГ ТИПИ**1**

МБ типини белгиловчи белги.

Ёзиш усули. Элемент 15-жадвалга мувофиқ бир символли код кўринишида ёзилади.

15-жадвал. Маълумотлар базасининг типлари

Код	МБ тип
#	Эгаси томонидан тўлдирилмаган
А	Автоматлаштирилган иш жойи
Б	Библиографик
Г	Гиперматнли
И	Гиперматнли ахборот тизими
К	Ҳужжатли-фактографик
Л	Лексикографик

Код	МБ типи
М	Мультимедиа
О	Ўргатувчи тизим
П	Тўлиқ матнли
Р	Рефератли библиографик
Ф	Фактографик
Я	Аралаш

Мисол – ВНИИКИ тўлиқ матнли маълумотлар базасини тақдим этди.

Ўзув: П

2

180Ѕ В + МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИНГ ВАЗИФАСИ

МБ вазифасини тавсифловчи белги.

Ўзиш усули. Элемент 16-жадвалга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

16-жадвал. Маълумотлар базаси вазифасининг кодлари

Код	МБ типи
#	Эгаси томонидан тўлдирилмаган
АР	Архивга эга
ИС	Тадқиқот характериға эга
КО	Тижорат характериға эга
МА	Оммавий
НТ	Илмий-техник ахборот
ОФ	Расмий
ПК	Лойиха-конструкторлик
ПТ	Ишлаб чиқариш-техник
СП	Маълумот характеридаги
УП	Бошқарув
УС	Хисобга олиш-статистик
УЧ	Ўқув
ФИ	Молиявий

Мисол – Маълумот характеридаги МБга эга бўлиш.

Ўзув: СП

180Ѕ С ХИЗМАТЛАР

2

МБ асосида кўрсатиладиган хизматлар турларини белгиловчи белги.

Ўзиш усули. Элемент 17-жадвалга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

17-жадвал. Хизматлар кодлари

Код	Хизмат
#	Эгаси томонидан тўлдирилмаган
ИР	Ахборотнинг танлаб тарқатилиши
РП	Бир мартали (ретроспектив) кидирув
ФР	МБ қисмларини етказиб бериш
ТР	МБни кўпайтириш
ИЗ	Нашрларни тайёрлаш
АН	Таҳлилий материалларни тайёрлаш
СТ	Статистик маълумотларни тайёрлаш

Мисол – МБ нашрларни тайёрлаш учун сотиб олинган.

Ёзув: ИЗ

180¢ D + МБни ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ТАШУВЧИНИНГ 2 ТУРИ

МБни етказиб беришда ёки сўровларни бажаришда ташувчининг турини белгиловчи белги.

Ёзиш усули. Элемент 18-жадвалга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

18-жадвал. Ташувчи турининг кодлари

Код	Ташувчи тури
#	Тўлдирилмаган
CR	CD-R – Ёзиб олинган компакт-диск
CD	CD-ROM – фақат ўқиш мумкин бўлган компакт-диск
ҚҒ	Қоғоз
МК	Магнит тасмали кассета
ФГ	Фотосуратлар
ФД	Флоппи-дисклар
ФП	Фотоплёнка

Мисол – МБ CD-ROM да сотиб олинган.

Ёзув: CD

180¢ E + ИШЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБА- 2 ЛАРИ

МБни яратишда молиялаштириш манбаининг турини белгиловчи белги.

Ёзиш усули. Элемент 19-жадвалга мувофиқ икки символли код билан ёзилади.

Код	Молиялаштириш манбаи
#	Тўлдирилмаган
ГФ	Давлат бюджетдан ташқари фондлар
МУ	Муниципал бюджет
СО	Шахсий маблағлар
РБ	Республика бюджети
ЮФ	Бошқа юридик ва жисмоний шахслар маблағлари

Мисол – МБни яратишда республика бюджетидан молиялаштиришдан фойдаланилган.

Ёзув: (РБ)

200 € А АСОСИЙ САРЛАВҲА

500

Хужжатнинг асосий мазмунини акс эттирувчи ва унинг титул варағида ёки хужжат тавсифининг тегишли манбасида босилган хужжатнинг номи.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи титул варағида келтирилган кўринишда ёзилади. Мураккаб сарлавҳали серияли нашрда (умумий сарлавҳа ва секциянинг сарлавҳаси ва (ёки) белгиланишидан иборат) маълумотларнинг ушбу элементида серияли нашрнинг умумий сарлавҳаси келтирилади.

Агар титул варағида бир тилдаги биттадан ортиқ сарлавҳа берилган бўлса, у ҳолда матбаа усулида ажратилган ёки титул варағида биринчи бўлиб жойлаштирилган сарлавҳа ёзилади.

Агар хужжатнинг сарлавҳаси бир нечта тилларда берилган бўлса, у ҳолда хужжатнинг асосий матн тилида келтирилган сарлавҳа ёзилади. Хужжатда устуворликка эга матн тилини аниқлаб бўлмаса, у ҳолда титул варағида биринчи бўлиб жойлаштирилган сарлавҳа келтирилади.

Ушбу тилдаги бошқа сарлавҳалар «Сарлавҳага тегишли маълумотлар» маълумотлар элементида келтирилади (200 € Е). Чет тилидаги бошқа сарлавҳалар «Параллел сарлавҳа» маълумотлар элементида келтирилади (201 € А).

Агар хужжат титул варағига ёки хужжат тавсифининг асосий манбаига тегишли қисмга эга бўлмаса, хужжатнинг мазмунини энг аниқ акс эттирувчи сарлавҳа келтирилади.

Хужжатда сарлавҳалар бўлмаганда сунъий сарлавҳа ҳосил қилинади ва «Шартли сарлавҳа» маълумотлар элементида келтирилади (500 € А).

МБ учун маълумотлар базасининг номи МБ эгаси томонидан МБни Рўйхатга олиш картасида келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисоллар

1 Хужжатнинг титул варағида берилган:

Темир йўл қурилиши тўплами. Хужжатнинг асосий матни рус ва ўзбек тилларида.

Ўзув: Темир йўл қурилиши тўплами

2 Хужжатнинг титул варағида берилган:

Украина Фанлар Академияси Ахбороти. Геологик серия

Ўзув: Украина Фанлар Академияси Ахбороти.

Изоҳлар

1 Бошқа тилдаги хужжатлар учун асосий сарлавҳани транскрипцияда ёки транслитерацияда келтиришга йўл қўйилади.

2 Бошқа тилдаги НҲлар учун асосий сарлавҳани рус тилида келтирилишига йўл қўйилади.

200 ғ Е* САРЛАВҲАГА ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАР 500

Асосий сарлавҳани изоҳловчи ва (ёки) тўлдирувчи ҳамда титул варағида ёки хужжатдаги ахборотнинг бошқа тегишли манбаларида берилган матн.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи хужжат тилида худди шу кўринишда ёзилади.

Мисол – Хужжатнинг титул варағида берилган:

Дунё океанининг литологияси муаммолари. Атлантика океанининг минералогияси ва геокимёси.

Ўзув: Атлантика океанининг минералогияси ва геокимёси

200 ғ F ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР 110

Хужжатни яратишда иштирок этувчи ва унинг интеллектуал (илмий, адабий, бадий ва ш.к.) мазмуни учун жавобгар ҳисобланган шахслар ва (ёки) жамоалар тўғрисида хужжатда тақдим этилган маълумотларнинг жами.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, одатда, хужжатларни яратишдаги эгаллаган ўринларини кўрсатган ҳолда шахсларнинг фамилиялари, исм-шарифлари ҳамда жамоаларнинг номларини ўз ичига олади.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи, одатда, O'z DSt 1215, ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 бўйича библиографик тавсиф қоидаларини ҳисобга олган ҳолда хужжатда келтирилган кўринишда ва кетма-кетликда берилади.

Мисол – Хужжатнинг титул варағида берилган: Х. Френсис, Т.В. Мидд. А.Е. Беннет таҳрири остида, инглиз тилидан Н.Н. Литвинов таржимаси.

Ўзув: Френсис, Т.В. Мидд; А.Е. Беннет таҳр. ост.

ғ; ингл. тарж. Н.Н. Литвинов

200 ғ Н ХУЖЖАТ ҚИСМИ (ЖИЛДИ) ВА СЕКЦИЯ-СИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

30

Кўп жилдли нашр алоҳида жилдининг, шунингдек бир неча қисмлардан иборат мақола қисмининг белгиланиши. Маълумотлар элемен-

ти ишлов берилаётган ҳужжат тегишли қисмининг турини формал тарзда белгиловчи сўз ёки сўз бирикмасидан ҳамда навбатма-навбат ушбу қисмни идентификация қилувчи символдан иборат.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидагича ёзилади: ГОСТ 7.11, ГОСТ 7.12 га мувофиқ ҳужжатнинг тегишли қисмини белгиловчи сўз ёки сўз бирикмаси, бўш жой, сўнгра идентификация қилувчи символлар ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади. Сонли маълумотлар араб рақамлари билан берилади.

Мисоллар

1 Ҳужжатда берилган: Ахборот-қидирув тизимлари ва илмий-техник ахборотни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш бўйича III Бутуниттифоқ конференция тўпламлари

1-жилд

Ахборот-қидирув тизимлари.

Ёзув: т.ϕ1

2 Ҳужжатда берилган: Бутунжаҳон адабиёт кутубхонаси. Серия 1. Қадимги Шарқ, Антик дунё, Ўрта асрлар, Уйғониш, XVII ва XVIII асрлар адабиёти, Т. 23. Трубадурлар шеърляти. Миннезингерлар шеърляти. Вагантлар шеърляти.

Ёзув: т.ϕ23

3 Ҳужжатда берилган:

Fabrication the refractory metals. Part A 2. Methods used to make parts.

Ёзув: Pt.ϕA2

4 Ҳужжатда берилган:

Физик энциклопедия.

1-жилд

A-Г

Ёзув: т.ϕ1

Изоҳ – Серияли нашрлар учун «Серияли нашр жилдининг рақами» маълумотлар элементидан фойдаланилади (206 Ø А).

200 ϕ I ҲУЖЖАТ ҚИСМИ (ЖИЛДИ) ВА СЕКЦИЯСИ-НИНГ САРЛАВҲАСИ

500

Агар ҳужжат – тавсиф объекти бўлиб кўп жилдли нашр ҳисобланса, кўп жилдли нашр алоҳида жилдининг алоҳида сарлавҳаси ёки тавсиф объекти мақола бўлса, мақола қисмининг сарлавҳаси ҳисобланади.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи титул варағида ёки мақола қисмининг номи (сарлавҳаси) доирасида берилган кўринишда ёзилади.

Мисоллар

1 Ҳужжатда берилган: Ахборот-қидирув тизимлари ва илмий-техник ахборотни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш бўйича III Бутуниттифоқ конференция тўпламлари.

1-жилд

Ахборот-қидирув тизимлари

Ўзув: Ахборот-қидирув ғизимлари

2 Хужжатда берилган: Бутунжаҳон адабиёт кутубхонаси. Серия 1. Қадимги Шарқ, Антик дунё, Ўрта асрлар, Уйғониш, XVII ва XVIII асрлар адабиёти, Т. 23. Трубадурлар шеърияти. Миннезингерлар шеърияти. Вагантлар шеърияти.

Ўзув: Трубадурлар ғшеърияти. ғМиннезингерлар ғшеърияти. ғВагантлар ғшеърияти

3 Хужжатда берилган:

Fabrication the refractory metals. Part A 2. Methods used to make parts.

Ўзув: *Methods used to make parts*

4 Хужжатда берилган:

Физик энциклопедия.

1-жилд

А-Г

Ўзув: А-Г

200 ғ К АСОСИЙ САРЛАВҲА ТИЛИ

3

«Асосий сарлавҳа» маълумотлар элементининг мазмуни келтирилдиган тил (200 ғ А).

Ўзиш усули ва мисол «Хужжат асосий матнининг тили» маълумотлар элементида берилган (101 ғ А).

200 ғ М* + ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ТАШКИЛОТ

100

Хужжатни яратган ташкилот номидан иш кўрадиган ва хужжатда (одатда, титул варағининг юқори қисмида) кўрсатилдиган ташкилотнинг номи ва белгиланиши (сигласи).

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи хужжатда келтирилган кўринишда ёзилади. ГОСТ 7.11, ГОСТ 7.12 бўйича қисқартмаларни келтиришга йўл кўйилади.

Мисоллар

1 Титул варағининг юқори қисмида қуйидаги берилган хужжатга ишлов берилади:

Фанлар Академияси. Украина саноат, фан ва технологиялар вазирлиги.

Маълумотлар элементи иккита майдон остиларга ёзилади.

Ўзув: Украина ғСаноатфан вазирлиги

АН

2 Хужжатга ишлов берилмоқда: CCF: Common Communication Format. Paris, 2011.

Титул варағининг қуйи қисмида берилган: UNESCO.

Ўзув: UNESCO

201 ғ А + ПАРАЛЛЕЛ САРЛАВҲА

500

Ҳужжатда «Асосий сарлавҳа» (200 § А), «Ҳужжат қисми (жилди) ва секциясининг белгиланиши» (200 § Н), «Ҳужжат қисми ва секциясининг белгиланиши» (200§I) маълумотлар элементида келтирилган сарлавҳалар тилидан фарқланувчи тилда келтирилган сарлавҳа.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Ҳужжатнинг титул варағида берилган:

О‘з DSt 1215:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари.

System of standards on information, librarianship and publishing. Bibliographic record. Bibliographic description. General requirements and rules

Ёзув:

System of standards on information, librarianship and publishing. Bibliographic record. Bibliographic description. General requirements and rules

Изоҳ – Титул варағида ва ҳужжатдаги ахборотнинг бошқа тегишли манбаларида келтирилган параллел сарлавҳа «Асосий сарлавҳани рус тилига таржима қилиш» (540 § А) маълумотлар элементининг мавжудлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.

201 § С + ПАРАЛЛЕЛ САРЛАВҲА ТИЛИ

3

«Параллел сарлавҳа» маълумотлар элементининг маъноси келтириладиган тил (201 § А).

Ёзиш усули ва мисол «Ҳужжат асосий матнининг тили» маълумотлар элементида берилган (101 § А).

202 § А* СЕРИЯЛИ НАШР МУСТАҚИЛ БЎЛМАГАН ИЛОВАСИНИНГ САРЛАВҲАСИ

400

Сарлавҳа, шунингдек фақат серияли нашрнинг сонлари билан тарқатиладиган серияли нашр иловасининг сарлавҳасини изоҳловчи ёки тўлдирувчи матн.

Ёзиш усули ва мисол «Асосий сарлавҳа» маълумотлар элементида берилган (200 § А).

205 § А* ҚАЙТА НАШР ЭТИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

30

Қайта нашр этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар такрорийлиги ва (ёки) характери (стереотип, тўлдирилган, қайта ишланган, янги ва ш.к.) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидаги тарзда ёзилади: араб рақамлари билан нашр рақами, нукта, кейин бўш жой қолдирилади. Бўш жойдан кейин келадиган, нашр характерини белгиловчи ифодалар (масалан, қайта ишланган ва тўлдирилган) ГОСТ 7.11 га мувофиқ қисқартирилган кўринишда ҳужжатнинг асосий матни тилида ёзилади.

Мисол – Хужжатда берилган:

Иккинчи қайта ишланган ва тўлдирилган нашр.

Ўзув: 2-қайтақишл. Ҷваф тўлдён.

206 Ø А СЕРИЯЛИ НАШР ЖИЛДИНИНГ РАҚАМИ 20

Серияли нашр жилдининг рақамли белгиланиши.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи араб рақамлари билан ёзилади. Агар жилднинг рақамланишида дефис бўлса, дефисдан олдин келадиган рақам тире орқали ёзилади. Қўшалок чиқарилган нашр қия чизиқ орқали ёзилади.

Мисоллар

1 Хужжатда берилган: XVI жилд

Ўзув: 16

2 Хужжатда берилган: 4-8 жилд

Ўзув: 4-8

3 Хужжатда берилган: 4/5 жилд

Ўзув: 4/5

206 Ø А В СЕРИЯЛИ НАШР СОНИНИНГ РАҚАМИ 20

Серияли нашр сонининг рақамли белгиланиши.

Ўзиш усули «Серияли нашр жилдининг рақами» (206 Ø А) маълумотлар элементида берилган.

Мисол – Хужжатда берилган: 4-5 сонлар.

Ўзув: 4-5

206 Ø С СЕРИЯЛИ НАШР САНАСИ 17

Серияли нашрда келтирилган, серияли нашрнинг ишлов бериладиган қисми (жилд, сон) тегишли бўлган вақт даврини билдирувчи сана.

Ўзиш усули. Агар серияли нашр санасида дефис бўлса, у ҳолда дефисдан олдин келадиган сана бўш жой ташламасдан дефис орқали ёзилади.

Мисоллар

1 Хужжатда берилган: 23.11.2012

Ўзув: 20121123

ёки 201211,

ёки 2012

2 Хужжатда берилган: 23-27.11.2012

Ўзув: 20121123-20121127

206 1 Е СЕРИЯЛИ НАШР РАҚАМИ 30

Серияли нашр жилди (сони)ни ва ушбу жилд рақамини белгиловчи сўз ёки сўз бирикмасидан иборат серияли нашр жилди рақамининг белгиланиши.

Ёзиш усули «Хужжат қисми (жилди) ва секциясининг белгиланиши» (200 Ҷ Н) маълумотлар элементида берилган.

Агар бир вақтда серияли нашр жилди ва сонининг белгиланишлари келтирилган бўлса, у ҳолда улар бўш жой ташлаб ажратилади.

Мисоллар

1 Хужжатда берилган: XVI жилд 4-сон.

Ёзув: ж.Ҷ16Ҷсон.Ҷ4

2 Хужжатда берилган: 4-8-жилд.

Ёзув: ж.Ҷ4Ҷ-ж.Ҷ8

210 Ҷ А + НАШР ҚИЛИНГАН ЖОЙ (ШАҲАР)

53

Нашриёт (нашр қилувчи муассаса) жойлашган аҳоли пунктининг номи.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади. Нашр қилиш жойининг номига (зарур бўлганда) аниқлаштирувчи маълумотларни қўшиш ёки вергул билан ажратиб унинг маъмурий тегишлилиги (ўлка, вилоят, округ, туман) ёки шаҳарнинг географик ҳолатини кўрсатишга йўл қўйилади.

Агар нашр қилинган жой тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатда берилмаган бўлса ва уларни аниқлаш имкони бўлмаса, [S.l.] ёки [Б.м.], ёки [Н.-сиз] берилади.

Мисол – Хужжатда берилган: London, Canada.

Ёзув: London, ҶCan.

210 Ҷ С + НАШРИЁТ

53

Босма маҳсулотларни чиқариш бўйича ташкилий ва амалий ишларни амалга оширувчи, юридик расмийлаштирилган корхона ёки яқка тартибдаги шахс.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёзилади.

Аббревиатура халқаро даражада нашриётнинг номи ушбу қисқартма остида маълум бўлганда қўлланилади (ушбу аббревиатура остида у унинг нашрларида белгиланади).

Номда нашриётни батафсилроқ белгиловчи ифодалар тушириб қолдирилади (масалан, Ltd., Inc.). «Нашриёт» ифодаси ГОСТ 7.11 га мувофиқ қисқартирилган кўринишда ва фақат у ушбу корхона номининг ажралмас қисми ҳисобланган ҳолда келтирилади.

Агар нашриётнинг номини аниқлаш имкони бўлмаганда, у ҳолда [S.n.] ёки [Б.и.], ёки [Н-рсиз] келтирилади.

Мисоллар

1 Хужжатда берилган:

«ФАН» НАШРИЁТИ

Ёзув: Фан

2 Нашириётни аниқлаш имкони бўлмади.

Ёзув: S. fn.

210 ғ D НАШР ҚИЛИНГАН САНА

8

Ҳужжат чиқарилган сана ёки ҳисобот тузилган сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган.

Патент ҳужжатлар учун нашр қилинган сана «Ихтиро талабномаси эълон қилинган сана» (211 ғ A) маълумотлар элементида ёзилади.

Серияли ёки кўп жилдли ҳужжатларни тавсифлашда биринчи ва охириги жилдлар (нашрлар) чиқарилган йиллар куйидаги структурада берилди:

ГГГГ-ГГГГ,

бу ерда: ГГГГ - йил.

Агар ҳужжатни чиқариш тугалланмаган бўлса, биринчи жилд (нашр) чиқарилган сана берилди, ундан кейин тире кўйилади.

Мисоллар

1 Серияли нашр 1997 йилдан 2012 йилгача чиқарилди.

Ёзув: 1997-2012

2 Серияли нашр 1997 йилдан ҳозирги вақтгача нашр қилинмоқда.

Ёзув: 1997-

210 ғ E БОСИБ ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ (ШАҲАР)

50

Аҳоли пункти - ушбу ҳужжатни чиқарган босмахона расмий жойлашган жойнинг номи.

Маълумотлар элементи, одатда, «Босмахона» (210 ғ G) маълумотлар элементи ва босмахона ҳамда ҳужжат нашр қилинган жойнинг жойлашган жойидаги фарқлар мавжуд бўлганда келтирилади.

Ёзиш усули ва мисол «Нашр қилинган жой (шаҳар)» (210 ғ A) маълумотлар элементида берилган.

210 ғ F БОСИБ ЧИҚАРИЛГАН ЙИЛ

4

Ҳужжат босмахонада чиқарилган йил.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи куйидаги кўринишда ёзилади:

ГГГГ-ГГГГ,

бу ерда: ГГГГ - йил.

210 ғ G БОСМАХОНА

53

Босма маҳсулотларни тайёрловчи матбаа корхонаси.

Ёзиш усули ва мисол «Нашириёт» (210 ғ C) маълумотлар элементида берилган.

210 ғ H НАШР ҚИЛИШНИНГ ТАХМИНИЙ САНАСИ

15

Ҳужжат нашр қилинган тахминий йил.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи куйидагича ёзилади:

ГГГГ ёки ГГГГ-ГГГГ,

бу ерда: ГГГГ – нашр қилинган тахминий йил;

ГТТГ-ГТТГ – кўп жилдли нашр биринчи ва охирги жилдлари ёки серияли нашр сони чиқарилган тахминий йил.

Агар позициянинг мазмунини аниқлаш имкони бўлмаганда, маълумотлар элементининг исталган позициясида «?» (сўроқ белгиси)ни қўйишга йўл қўйилади.

Мисоллар

1 Нашринг тахминий йили аниқланган: 1934 й.

Ёзув: [1934]

2 Ишлов берилаётган хужжат нашр қилинган тахминий сана ўн йилликкача аниқлик билан аниқланган, ушбу ҳолда йигирманчи асрнинг қирқинчи йиллари.

Ёзув: [194 ?]

3 Серияли нашр чиқарилган тахминий йиллар ўн йилликкача аниқлик билан аниқланган. Ушбу ҳолда серияли нашр йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларидан қирқинчи йилларигача чиқарилган.

Ёзув: [193 ?-194 ?]

210 € К + МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ КУЧГА КИРГАН

САНА

4

Муаллифлик ҳуқуқи © қонуний кучга эга бўлган сана.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи «Босиб чиқарилган йил» (210 € F) маълумотлар элементини ёзиш қоидалари бўйича ёзилади.

Мисол – Хужжатда берилган: ©Фан, 2012.

Ёзув: 2012

210 € М + МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ЭГАСИ

150

Ушбу нашрга муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган ва хужжатда © символдан кейин келтирилган юридик ёки жисмоний шахс.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи хужжатда келтирилган кўринишда ёзилади. Агар муаллифлик ҳуқуқи бутун хужжатга тегишли бўлмаса, маълумотлар элементининг бошида изоҳловчи матн берилади.

Мисол – Хужжатда ёзилган: © Рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган, сўзбоши, «Фан», 2012.

Ёзув: Руссваўзбектилларига таржима, сўзбоши, Фан, 2012

211 € А ИХТИРО ТАЛАБНОМАСИ ЭЪЛОН

ҚИЛИНГАН САНА

8

Патент, фойдали модель, товар белгиси ва ш.к. учун ихтиро талабномасини эълон қилиш йили, оyi ва санаси.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (023 0 E) маълумотлар элементида берилган.

212 € А НҲ ТАСДИҚЛАНГАН САНА

8

НҲ тасдиқланган йил ёки йили ва оyi ёки йили, оyi ва санаси.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган.

Изоҳ – Халқаро ташкилотларнинг НҲ учун қабул қилинган санаси берилади.

212 ғ В МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ЯРАТИЛГАН ЙИЛ 4

МБ яратилган йил берилади.

Ёзиш усули. Элемент «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган кўринишда ёзилади.

212 ғ С НҲ АМАЛГА КИРИТИЛГАН САНА 8

НҲ амалга киритилган йил, ой ва сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган.

212 ғ М ХУЖЖАТ РҲЙХАТГА ОЛИНГАН САНА 8

Мавзу ёки ҳисобот, норматив ҳужжат ва ҳ. ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинган йил, ой ва сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган.

212 ғ N РЕТРОСПЕКТИВА 12

Ҳужжатлар (манбалар) вақтли даврининг характеристикаси, ушбу ҳужжатлар асосида МБ яратилган.

Ёзиш усули. Элемент «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида келтирилган кўринишда ёзилади.

Мисоллар

1 Ҳужжатда берилган: XXI аснинг биринчи ярми.

Ёзув: 2001-2012

2 Ҳужжатда берилган: 2002 йилдан

Ёзув: 2002-current

215 ғ А БЕТЛАР ҲАЖМИ, РАҚАМЛАШ 20

Ҳужжат жилдлари ёки бетлари (варақлари, устунлари)нинг миқдори.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи O‘z DSt 1215 бўйича библиографик тавсиф қоидаларига мувофиқ ёзилади.

Мисоллар

1 Кўп жилдли нашр учта жилддан иборат.

Ёзув: 3ғт.

2 Ишлов берилётган мақола 45-бетдан бошланади ва 56-бетда тугайди.

Ёзув: С.ғ45-56

3 Ишлов берилётган мақола 72-75-бетларда жойлашган, аммо унинг охири 78-бетда.

Ёзув: С.ғ72-75,ғ78

4 Ишлов берилётган монография 240 бет ҳажмга эга.

Ёзув: 240ғс.

**5 Ишлов берилаётган ҳужжат бетлар рақамланишидаги узил-
диган кетма-кетликдаги пагинацияга эга, яъни 12, 15 ва 38.**

Ўзув: 12, 15, 38 ғс.

6 Ишлов берилаётган монография XIX, 237 пагинацияга эга.

Ўзув: XIX, 237 ғс.

215 ғ В МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИНГ ҲАЖМИ 12

МБ ҳажмининг характеристикаси. Ҳажм мингта ёзувлар ва/ёки Мб да берилади.

Ўзиш усули. Ажратувчи нуқтага эга рақамли кўринишдаги маълумотлар элементи.

Мисоллар

1 Ҳужжатда 50000 ёзувлар келтирилган.

Ўзув: 50000 ғёзув.

2 Ҳужжатда 6000 Мб келтирилган.

Ўзув: 6000 ғМб

215 ғ С ҲУЖЖАТНИ РАСМЛИ МАТЕРИАЛЛАР БИ- ЛАН ТАЪМИНЛАШ 40

Ҳужжат матнида жойлаштирилган чизмалар, расмлар, фотосуратлар, диаграммалар, схемалар, жадваллар ва хариталар мавжудлиги ва (ёки) миқдорини акс эттириш.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидагича ёзилади:

- миқдор араб рақамлари билан ёзилади;

- муайян расмли материалнинг қисқартирилган белгиланиши ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га мувофиқ ҳужжат асосий матни тилида берил-
ди;

- миқдор ва қисқартирилган белгиланиш бўш жой билан ажратилади.

Агар ҳужжатда расмли материалларнинг бир нечта турлари бўлса, у ҳолда улар вергул ва бўш жой ташлаб ажратилади.

Мисоллар

1 Рус тилида нашр қилинган ҳужжатда расмлар мавжуд.

Ўзув: ил.

2 Рус тилида нашр қилинган ҳужжатда 65 та чизма ва 18 та фотосурат мавжуд.

Ўзув: 65 ғчиз., 18 ғфот.

215 ғ D ҲУЖЖАТНИНГ ЎЛЧАМИ 15

Кесилган ва брошнуровкаланган босма нашр чизиқли ўлчамлари (кенглиги ва баландлиги)нинг характеристикаси.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда келтирилган кўринишда ёки қуйидаги кўринишда ёзилади:

В

(агар ҳужжатнинг баландлиги унинг кенглигидан кам бўлмаса) ёки
 В X Ш
 (бошқа ҳолларда),
 бу ерда: В – ҳужжатнинг ортиқчалик билан яхлитланадиган баланд-
 лиги, см.;
 Ш – ҳужжатнинг ортиқчалик билан яхлитланадиган кенглиги,
 см.

Мисоллар

1 Ишлов берилётган ҳужжатнинг ўлчами берилмаган, аммо унинг баландлиги - 326 мм. ва кенглиги - 210 мм.

Ёзув: 33ϕсм.

2 Ишлов берилётган ҳужжатдаги ўлчам берилмаган, аммо унинг баландлиги - 282 мм. ва кенглиги - 320 мм.

Ёзув: 29X32ϕсм.

3 Ишлов берилётган ҳужжатда формат кўрсатилган: А4.

Ёзув: А4

4 Ишлов берилётган ҳужжатда қозғов варагининг формати ва варақ улуши орқали ҳужжатнинг ўлчами кўрсатилган: 60×90 1/16.

Ёзув: 60×90ϕ1/16

215 ϕ Е ҲУЖЖАТНИНГ ҲАЖМИ – МУСТАҚИЛ ИЛО- ВАЛАР

10

Жилдлар ёки бетлар (варақлар, устунлар)нинг кўрсатилган миқдоридан ташқарида физик мустақил шаклда жойлаштирилган иловалар (расмлар, жадваллар, планлар, хариталар, товар намуналари ва б.) мавжудлигини акс эттириш.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидагича ёзилади: илова турининг белгиланиши (агар мумкин бўлса) ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га мувофиқ келтирилади. Иловалар миқдори ва қисқартирилган белгиланиши бўш жой ташлаб ажратилади.

Мисол – Рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган ҳужжатда 10 та расм ҳажмидаги мустақил илова мавжуд.

Ёзув: 10ϕрис.

223 ϕ А ИЛМИЙ ДАРАЖА

30

Илмий даража олиш учун тақдим қилинган диссертация.

Ёзиш усули. Илмий даража тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га мувофиқ сўз ва сўз бирикмаларини қисқартирган ҳолда асл нусха тилида берилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: Doctor der Naturwissenschaft.

Ёзув: Doct.ϕNaturwiss.

223 ғ С ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН САНА 8

Диссертация ҳимоя қилинган йил ёки йил ва ой ёки йил, ой ва сана.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (Ø23 Ø E) маълумотлар элементида берилган.

223 ғ М ИЛМИЙ УНВОН 8

Илмий ходимнинг ўқитувчилик ёки илмий фаолият билан боғлиқ малакаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи 20-жадвалга мувофиқ қисқартирилган ҳолда ёзилади.

20-жадвал. Илмий ходим малакасининг номи ва ёзилишининг қисқартирилган шакли

Номи	Қисқартирилган шакли
Академик	акад.
Мухбир-аъзо	мухб.-аъзо
Профессор	проф.
Доцент	доц.
Катта илмий ходим	к.и.х.
Кичик илмий ходим	кич.и.х.
Ассистент	ас.

Мисол – Ҳужжатда берилган: мухбир-аъзо.

Ёзув: мухб.-аъзо.

223 ғ N МУТАХАССИСЛИК РАҚАМИ 8

Диссертация ҳимоя қилинган илмий мутахассисликнинг белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи тасдиқланган «Илмий ходимлар мутахассисликларининг номрўйхати»га мувофиқ ёзилади.

Мисол – Ҳужжатда берилган: Математик таҳлил.

Ёзув: Ø1.Ø1.Ø1

225 ғ А СЕРИЯНИНГ САРЛАВҲАСИ 100

Умуман серияли нашрга берилган умумий сарлавҳа.

Агар серия нисбатан майда қисмлар (кичик сериялар)га бўлинса, уларнинг сарлавҳалари «Кичик сериянинг сарлавҳаси» (225 ғ С) маълумотлар элементида берилади.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи ҳужжатда берилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Хужжатда берилган:

Белоруссия университети ахборотномаси. 1-сер.: Физика, Математика, Механика.

Ёзув: Беларуссия университети ахборотномаси

225 Ҷ В КИЧИК СЕРИЯНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА РАҚАМИ 20

Серияли нашр кичик сериясининг белгиланиши.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидагича ёзилади: сериянинг хужжатда берилган кўринишда белгиланиши, бўш жой, бўш жойдан кейин келадиган кичик сериянинг рақамли ёки ҳарф-рақамли белгиланиши.

Мисол – Хужжатда берилган: Беларуссия университети ахборотномаси. 1-сер.: Физика, Математика, Механика.

Ёзув: Сер. Ҷ1

Изоҳ – Ёзувнинг алоҳида графикасига эга хужжатлар учун белгиланиш транскрипцияда ёки транслитерацияда берилди, агар хужжатда Европа тилларидан бирига (ингл., нем., фр.) таржима бўлмаса.

225 Ҷ С КИЧИК СЕРИЯНИНГ САРЛАВҲАСИ 100

Битта серия (серияли нашр) доирасида нашр қилинган ва умумий сарлавҳа ёки белгиланиш билан бирлаштирилган бир қатор мустақил хужжатларнинг умумий сарлавҳаси.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Хужжатда берилган: Беларуссия университети ахборотномаси. 1-сер.: Физика, Математика, Механика.

Ёзув: Физика, ҶМатематика, ҶМеханика

225 Ҷ D СЕРИЯДАГИ ЖИЛДНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА РАҚАМИ 20

Битта серия (серияли нашр) доирасида жилднинг белгиланиши ва тартиб рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи «Хужжат қисми ва секциясининг белгиланиши» (200 Ҷ Н) маълумотлар элементида берилган қоидалар бўйича ёзилади.

Мисоллар

1 Хужжатда берилган: Ҳайвонларнинг экологик физиологияси, 2-қисм.

Ёзув: Ҳайвон. Ҷэкол. Ҷфизиологияси, Ҷ2Ҷқ.

2 Хужжатда берилган: Volume 10.

Ёзув: Vol. Ҷ10

Изоҳ – Маълумотлар элементини кўп жилдли нашр жилдининг тартиб рақами бериладиган «Хужжат қисми (жилди) ва секциясининг белгиланиши» (200 ё Н) маълумотлар элементи билан аралаштириб бўлмайди.

225 ё Е КИЧИК СЕРИЯДАГИ ЖИЛДНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА РАҚАМИ **10**

Муайян кичик серия доирасида жилднинг белгиланиши ва тартиб рақами.

Ёзиш усули ва мисол «Сериядаги жилднинг белгиланиши ва рақами» (225 ё D) маълумотлар элементида берилган.

Изоҳ – Маълумотлар элементини кўп жилдли нашр ишлов бериладиган жилднинг тартиб рақами бериладиган «Хужжат қисми (жилди) ва секциясининг белгиланиши» (200 ё Н) маълумотлар элементи билан аралаштириб бўлмайди.

270 ё А ЭҲМ **20**

МБ билан иш амалга оширилиши мумкин бўлган ЭҲМ маркаси.

Ёзиш усули. Элемент хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

270 ё В + ДАСТУРЛАШ ТИЛИ **50**

Дастурий восита бажарилган асосий тилнинг номи.

Ёзиш усули. Дастурлаш тилининг қабул қилинган номи берилади.

Мисол – Дастурий восита «С#» тилида бажарилган.

Ёзув: С#

270 ё С + Фойдаланилаётган от тип ва версияси **20**

Мухотида дастурий восита ишлайдиган операцион тизим (ОТ)нинг белгиланиши.

Ёзиш усули. Белгиланиш ўз ичига ОТнинг қисқартилган номини, шунингдек унинг учун хужжатларга мувофиқ версиясини олади.

Мисол – Дастурий восита шахсий электрон ҳисоблаш машинаси учун бажарилган, операцион тизим – ОТ, версия 6.1.

Ёзув: ОТ, версия 6.1

270 ё D МББТ/АДП **20**

МБ амалга оширилган МББТ ёки АДП номи.

Ёзиш усули. Элемент хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

271 ё F ДЕПОЗИТГА ҚЎЙИЛГАН САНА **8**

Илмий иш рўйхатга олинаётганда депозитарий-марказ томонидан белгиланадиган илмий ишни депозитга қўйиш йили, ойи ва санаси.

Ёзиш усули ва мисол «Устуворлик санаси» (023 0 E) маълумотлар элементида берилган.

271 ё G ДЕПОЗИТГА ҚЎЙИШ РАҚАМИ **50**

Депозитарий-марказда бериладиган депонентга қўйиш рақами.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи библиографик тавсиф қоидаларини ҳисобга олган ҳолда хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

Мисол – Хужжатда берилган: № 789 XII-84.

Ёзув: 789ЅXII-84

280 Ѕ А ТАРМОҚНИНГ НОМИ 20

МБ ўрнатилган тармоқнинг номи.

Ёзиш усули. Элемент хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

280 Ѕ В ТАРМОҚ АДРЕСИ 20

Маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин бўлган тармоқ адреси.

Ёзиш усули. Элемент хужжатда берилган кўринишда ёзилади.

300 Ѕ А + ИЗОҲЛАР 500

Ёзув ёки ёзув маълумотларининг алоҳида элементлари тўғрисидаги кўшимча маълумотлар.

Ёзиш усули. Эркин. Изоҳ қайси маълумотлар элементига тегишлилигини аниқлаш тавсия қилинади

380 Ѕ А + ҲУЖЖАТНИ ЁРДАМЧИ МАТН БИЛАН ТАЪМИНЛАШ 500

Ишлов берилаётган хужжатнинг асосий матнини тўлдирувчи матн мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, кўрсаткичлар, луғат, мундарижанинг мавжудлиги.

Ёзиш усули. Эркин.

Мисол – Ишлов берилаётган хужжатда муаллифлик кўрсаткичи мавжуд.

Ёзув: МуаллифликЅкўрс.

380 Ѕ М ҲУЖЖАТНИ БИБЛИОГРАФИК ҲАВОЛАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ 40

Ишлов берилаётган хужжат алоқаси бўлган манбалар тўғрисидаги библиографик маълумотларнинг хужжатда мавжудлиги.

Ёзиш усули. Маълумотлар элементи библиографик тавсиф қоидаларига мувофиқ ёзилади.

Мисоллар

1 Хужжатнинг 48- 49-бетларида библиография мавжуд.

Ёзув: Библиогр.Ѕ.48-49Ѕб.

2 Хужжатнинг 47-бетида библиография мавжуд.

Ёзув: Библиогр.Ѕ47Ѕб.Ѕ(11Ѕном)

3 Хужжат бобларининг охирида библиография мавжуд.

Ёзув: Библиогр.ЅбобларЅохирда

390 Ѕ А РЕФЕРАТИВ ХИЗМАТЛАР ТОМОНИДАН АКС ЭТТИРИЛИШИ 600

Ишлов берилаётган хужжатнинг рефератив хизматлар томонидан акс эттирилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ёзиш усули. Эркин.

Мисол – Ишлов берилаётган ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар ВИНТИ «Информатика» рефератив журналида жойлаштирилган.

Ўзув: 99.03-07Б.292КРТ

400 € А + ЁЗУВЛАР ЎРТАСИДАГИ ИДЕНТИФИКАЦИОН БОҒЛИҚЛИК ТУРИ

1

Маълумотлар элементи, унинг ёрдамида ёзув идентификатори, ISBN ёки ISSN асосида айрим ёзувлар ўртасидаги идентификацион боғлиқлик кўрсатилади.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи 21-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ёзилади.

21-жадвал. Боғлиқлик воситалари турларининг кодлари

Код	Боғлиқлик воситасининг тури
1	Ўзув идентификатори
3	ISBN
4	ISSN

Мисол – Ишлов берилаётган ҳужжат аввал тизимга киритилган ҳужжатнинг қайта нашр этилишидир. У билан боғлиқлик ISBN орқали амалга оширилади.

Ўзув: 3

400 € С + БОҒЛИҚ ҲУЖЖАТНИНГ ЁЗУВ ИДЕНТИФИКАТОРИ, ISBN ёки ISSN МАЪНОСИ

500

Боғлиқлик кўрсатилаётган ҳужжат (ёзув)ни идентификация қилувчи маълумотлар элементи.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи тегишли маълумотлар элементи учун берилган қоидалар бўйича ёзилади, ушбу маълумотлар элементи воситасида ёзувлар ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилади.

Мисол – Ҳужжат – тавсиф объекти ISBN 0-385-08191-2 берилган ҳужжатнинг қайта нашр этилишидир.

Ўзув: 0-385-08191-2

400 € Е + ЁЗУВЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ХАРАКТЕРИ

1

Боғлиқ ҳужжатнинг тавсиф объекти - ҳужжат билан муносабатлар характерини акс эттирувчи маълумотлар элементи.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи 22-жадвалга мувофиқ бир символли код билан ёзилади.

Мисол – Ишлов берилаётган ҳужжат тизимга аввал киритилган ҳужжатнинг таржимаси ҳисобланади.

Ўзув: В

22-жадвал. Муносабатлар характерининг кодлари

Код	Муносабатлар характери
Ø	Тавсиф объекти - ҳужжатни ўз ичига олган ҳужжат
1	Тавсиф объекти - ҳужжатнинг давоми
2	Тавсиф объекти - ҳужжатдан олдинги ҳужжат
3	Тавсиф объекти - ҳужжатнинг қайта нашр қилиниши
4	Тавсиф объекти - ҳужжатнинг аввалги нашри
5	Тавсиф объекти - ҳужжатнинг бошқа тилдаги нашри
6	Тавсиф объекти - ҳужжатнинг асосий қисми
7	Тавсиф объекти - ҳужжатга илова
8	Қайта ишлаш учун дастлабки материал
9	Тавсиф объекти - ҳужжатни қайта ишлаш натижаси
A	Тавсиф объекти - ҳужжатга кирувчи ҳужжат
B	Таржима учун дастлабки ҳужжат
D	Дастурий восита – тавсиф объектининг ишлаши учун зарур бўлган дастурий восита
E	Дастурий восита – тавсиф объекти билан биргаликда фойдаланилиши мумкин бўлган дастурий восита

401 Ҷ А + БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ЎЗУВЛАР ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК ТУРИ

8

Библиографик маълумотлар элементининг (кенгайтирилган) белгила-ниши, унинг воситасида бошқа ҳужжатлар (ёзувлар) билан боғлиқлик кўрсатилади.

Ўзиш усули. Маълумотлар элементи қуйидаги кўринишда ёзилади:
МММЧЧЧИП,

бу ерда: МММ – майдон белгиси;

ЧЧЧ – «қўллашда аниқланадиган қисм» маълумотномасининг компоненти;

И - индикатор;

П – маълумотлар элементини аниқлайдиган идентификаторнинг иккинчи симболи; унинг воситасида бошқа ҳужжат (ёзув) билан боғлиқлик кўрсатилади.

ЧЧЧ компонентининг маъноси номаълум бўлса, у «Х» симболи билан тўлдирилади.

Майдон остида битта маъно келтирилади. Майдон остиларни так-рорлаш зарур бўлганда улар тегишли «Ўзувлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар элементининг маъноси» (401 Ҷ С) ва «Библио-график маълумотлар билан боғлиқ ёзувлар ўртасидаги муносабатлар ха-рактери» (401 Ҷ Е) маълумотлар элементлари билан бирга алоҳида такро-рланадиган майдонларда келтирилади.

Мисол «Ўзувлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар элементининг маъноси» (401 Ҷ С) маълумотлар элементида келтирилган.

**401 ғ С + ЁЗУВЛАР ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИ
КЎРСАТУВЧИ МАЪЛУМОТЛАР ЭЛЕМЕНТИНИНГ
МАЪНОСИ**

500

«Библиографик маълумотлар асосидаги ёзувлар ўртасидаги боғлиқлик тури» (400 ғ А) маълумотлар элементида белгиланган маълумотлар элементининг маъноси.

